

Гуноҳдан тавба қилиш

11:10 / 27.11.2018 6626

Ассалому алайкум! Устозлар, инсон қилган гуноҳларига қаттиқ тавба қилиб, намозга кириб, савоб амалларни қилса, Аллоҳ у одамни пок инсонлар қаторига қўшадими?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! [Аллоҳ](#) таоло **"Фурқон"** сурасида марҳамат қилади:

هُلِّلِ الْوَيْلَ لِمَنْ كَفَرَ لَوْ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ
أَمْ يَحْسُرُونَ أَنْ يُنْفَخُوا عَنْ عَذَابِهِمْ أَنْ يَكُونَ سَاءَ لِمَنْ يَكْفُرُ

70. Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир.

Юқоридаги оятдан «Мазкур гуноҳларни қилганлар тамоман умидларини узар эканлар-да» деган маъно чиқиб қолмаслиги учун ушбу оятда тавба эшиги доимо очиқлиги баён қилинмоқда. Ўша уқубатдан мустасно бўладиганлар ҳам бор экан. Ундай одамлар қаторига

«...ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса», ўша киради.

Яъни қилган гуноҳидан тамомила қайтса, иккинчи бор қилмаса, иймон келтириб, мўмин бўлса ва иймон тақозосига кўра солиҳ амал этса, мазкур азобга дучор бўладиганлардан мустасно бўлади. Вақтида қилган хатосини англаб, тавба этган, иймон келтириб, солиҳ амал қилган бандаларни Аллоҳ таоло муносиб тақдирлайди.

«...бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур».

Аллоҳнинг файзини, марҳаматини қаранг! Яратган бандаси онкўрлик қилса, Унга ширк келтиришдек улкан зулмни амалга оширса, Унинг амрига исён қилиб, одам ўлдирса ёки зино қилса-

ю, сўнгра тавба этиб, иймон келтириб, солих амал қилса, унинг гуноҳларини савобга алмаштириб қўйса! Бундан ҳам ортиқ мағфиратлилик, бундан ҳам ортиқ раҳмлилик бўладими?!

«Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли бўлган Зотдир.

Бўлмаса, тавба этиб, иймон келтириб, солих амал қилганларнинг ёмонликларини яхшиликка алмаштирамас эди.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда айтилишича:

«Абу Фарва Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

– Айтинг-чи, бир одам ҳамма гуноҳларни қилган бўлса, каттау кичигини қўймаган бўлса, тавба қилса бўладими? – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Исломга кирдингми?! – дедилар. У:

– Ҳа! – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Яхшиликларни қилавер. Ёмонликларни тарк эт. Аллоҳ сенга ҳаммасини яхшилик қилиб беради, – дедилар. У:

– Алдамчиликлариму фожирликларимни ҳамми?! – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Ҳа! – дедилар.

У такбир айтиб («Аллоҳу Акбар!!!» деб), қайтиб кетди. Кўздан кўринмай қолгунча такбири эшитилиб турди».

Лекин бундай ҳолга эришиш учун тавба ҳақиқий бўлиши зарур.

Шунинг учун ҳам бу ҳақиқат келаси оятда яна бир бор таъкидланмоқда:

﴿أَبَاتُمْ ۖ لَلْإِلٰهِ بُؤْتَيْ ۖ نَّإِ فَاحْلَصْ ۚ لِمَعَّ وَبَات نَمَّو

71. Ким тавба қилиб, солих амал қилса, у, албатта, Аллоҳга (ҳақиқий) қайтиш ила қайтадир.

Тавба қилиш гуноҳга афсус-надомат чекиш билан бошланади.

Сўнгра ўша гуноҳни қайтармасликка дилда қаттиқ аҳд қилинади.

Кейин бу аҳд дилда тасдиқланади. Тавбанинг ҳақиқий ёки сохта экани унинг эълонидан кейинги амалдан билинади. Агар

эълондан кейинги амал солих – яхши бўлса, тавба ҳақиқий, ёмон бўлса, тавба сохта бўлади. Чунки гуноҳ ҳам фақат НИЯТ эмас,

балки қилинган амалдир. Шунинг учун тавба ҳам амалсиз бўлмайди. ("Тафсири Ҳилол" китобидан). Валлоҳу аълам!